



Тел: 0-(370) 983-30-14, факс: 0-(370) 983-30-16

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI НОМИДАН ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Юқоричирчиқ тумани 2022 йил [REDACTED] 4-1105-2202/[REDACTED] сонли иш

Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий суди судья З.М.Эшмирзаев раислигида, судья ёрдамчиси Б.С.Насиров котиблигида, аризачи вакили [REDACTED] иштирокида, аризачи жавобгар [REDACTED] банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича қўзғатилган [REDACTED] ишни суд биносида, очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

[REDACTED] белгиланган муддатида солиқ органига (бундан буён матнда солиқ ҳисоботи деб юритилади) тақдим қилмаган.

Шунга кўра, аризачи [REDACTED] (бундан буён матнда [REDACTED] деб юритилади) Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий судига ариза билан мурожаат қилиб, жавобгар [REDACTED] банклардаги ҳисобварақлар бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатишни сўраган.

[REDACTED] суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган бўлсада, жавобгар вакили суд мажлисига келмади.

Суд Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг (бундан буён матнда ИПК деб юритилади) 128, 220-моддасига асосан ишни жавобгар [REDACTED] вакили иштирокисиз кўришни лозим топди.

Суд мажлисида аризачи вакили жавобгар [REDACTED] бугунги кунга қадар [REDACTED] сўради.

Суд аризачи вакилининг тушунтиришини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризани [REDACTED] лозим топди:

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (бундан буён матнда СК деб юритилади) 82-моддасига кўра, солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи



ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботида илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

СК 273-моддасига кўра, солиқ тўловчилар, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шарт.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, [REDACTED]

[REDACTED] белгиланган муддатда тақдим этмаган. Шу сабабли, [REDACTED] банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилган. Мазкур ҳолат юзасидан тижорат банкларидаги ҳисобварақлар бўйича операциялар тўхтатилгандан кейин 10 кунда аниқланган камчиликлар бартараф этилиши таъминланмаса, суд тартибида тўхтатиб турилиши маълум қилинган хабарнома жавобгарнинг шахсий кабинетига электрон шаклда юборилган. Бироқ, жавобгар солиқ ҳисоботини тақдим этмаган.

СК 111-моддасининг биринчи қисмига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилингунга қадар тўхтатиб турилади.

СК 111-моддасининг учинчи қисмига кўра, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун ушбу солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда қўлланилиши мумкин.

ИПК 215-моддасига кўра, ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисида аризалар билан иқтисодий судларга назорат қилувчи органлар мурожаат қилишга ҳақли.

Аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатлар билан жавобгар

[REDACTED] аризачининг аризаси асослилиги [REDACTED].

Юқоридагиларга асосланиб, суд аризачи аризасини ноатлантиришни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат божи



тўғрисидаги” 2020 йил 6 январдаги ЎРҚ-600-сонли Қонунининг 9-моддаси биринчи қисмининг 19-бандига кўра, аризачи ва жавобгар ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи тўлашдан озод қилинганлигини ҳамда судга ариза электрон шаклда тақдим қилинганида почта харажати ундирилмаслигини инobatга олиб, давлат божи ва почта харажати ундирмасликни лозим топди.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 111-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 220, 221, 222-моддаларини қўллаб, суд

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

Аризачи [REDACTED] аризаси [REDACTED] Жавобгар [REDACTED] банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялари солиқ ҳисоботи тақдим этилгунга қадар ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб қўйилсин.

« [REDACTED] банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмасин.

[REDACTED] хизмат кўрсатувчи барча банклар томонидан ҳисоб-рақамлар бўйича операцияларни тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган ҳолатлар жавобгар томонидан тўлиқ бартараф этилганидан сўнг, давлат солиқ хизмати органи томонидан тақдим этиладиган қарор асосида ҳисобварақлар бўйича операциялар тиклансин.

Ҳал қилув қарори ўн кунлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан ўн кунлик муддат ичида Юқоричирчиқ туманлараро иқтисодий суди орқали Тошкент вилоят судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция шикояти (протести) берилиши мумкин.

Судья

З.М.Эшмирзаев

